

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

“Тадбиркорликни ривожлантириш  
компанияси” акциядорлик жамияти

Кузатув кенгашининг

2024 йил “29” февралдаги

2/24 - сон йиғилиш баёнига

2 – илова

*(Кузатув Кенгашининг 2024 йил  
“29” апрелдаги 6/24- сон ва “2” октябрдаги  
9/24- сон ва йиғилиш баёнлари билан  
ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган)*

**“ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПАНИЯСИ”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН “ПОРТФЕЛЬ  
КАФИЛЛИК” ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМ**

**“КИРИТИЛДИ”**

“Тадбиркорликни ривожлантириш  
компанияси” акциядорлик жамияти

Ижроия органи

**Тошкент – 2024 йил**

## **МУНДАРИЖА**

1-боб. Умумий қоидалар

2-боб. “Портфель кафиллик” хизматини тақдим этиш талаблари

3-боб. Қарз олувчиларга талаблар

4-боб. Тақдим этиладиган кафиллик учун воситачилик ҳақини  
тўлаш тартиби

5-боб. “Портфель кафиллик”ни тақдим этиш тартиби

6-боб. “Портфель кафиллик” бўйича олинган мажбуриятларни Компания  
томонидан бажариш тартиби

7-боб. Кафилликлардан фойдаланишни ҳисобга олиш, ҳисобот бериш ва  
назорат қилиш тартиби

8-боб. Яқунловчи қоидалар

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-193-сон Фармони ва “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Компания) устави асосида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур низом Компания томонидан тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари ҳамда ўзини – ўзи банд қилган жисмоний шахслар (кейинги ўринларда – қарз олувчи)нинг лойиҳаларига миллий ва хорижий валютада ажратиладиган кредит, лизингларга (кейинги ўринларда - кредит) Компания ҳисобидан ҳамкор тижорат банки номидан кафиллик ёрдами тақдим этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда жараён иштирокчиларининг ҳаракатларини тартибга солиди.

3. Ушбу низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**воситачилик шартномаси** — Компания ҳамда ҳамкор тижорат банки ўртасида “портфель кафиллик” ёрдамидан фойдаланишни ўзаро йўлга қўйилиши юзасидан тузиладиган шартнома;

**ҳамкор тижорат банки** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли лицензиясига эга бўлган, Компания билан “портфель кафиллик” тақдим этиш воситачилик шартномасини имзолаган тижорат банки;

**портфель кафиллик** — ҳамкор тижорат банки томонидан ажратиладиган кредитларга воситачилик шартномасида келишилган шарт ва миқдорларда ҳамда ажратилган маблағлар доирасида Компания ҳисобидан кафилликлар тақдим этиш;

**кафиллик** — қарз олувчининг тижорат банки олдидаги ўз мажбуриятларини бажариши учун жавоб бериш масъулиятини Компанияга юклайдиган кафиллик шартномаси;

**кредит** — тижорат банки томонидан қарз олувчи лойиҳаларини молиялаштириш учун ажратиладиган маблағ;

**лизинг** — молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради;

**лойиҳалар** — тадбиркорлик фаолиятдан иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манфаат кўриш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар ва ишлар мажмуи;

**яхши кредит тарихи** — КАТМ скоринг маълумотномасида “В” тоифаси ва ундан юқори тоифасида таснифланган рейтинг;

**ёмон кредит тарихи** — КАТМ скоринг маълумотномасида “D” тоифасида таснифланган рейтинг;

**буюртма** — тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредит бўйича Компания молиявий ёрдамидан фойдаланиш бўйича Ахборот тизимга киритиладиган маълумотлар;

**NPL** — сифати “қониқарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” деб таснифланган активлар улуши;

**“Тадбиркор” ахборот тизими** (кейинги ўринларда – Ахборот тизим) — электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда қуйидагиларни амалга ошириш имкониятига эга бўлган ахборот тизими:

Компания молиявий ёрдамларидан фойдаланиш тўғрисида буюртмаларни қабул қилиш ва улар бўйича қабул қилинган қарорларни электрон тарзда етказиш;

Компания молиявий ёрдамларидан фойдаланиш тўғрисида электрон шартномалар ва ҳисоботлар тузиш, ўзаро маълумотлар алмашиш мақсадида Солиқ қўмитаси, Статистика агентлиги, тижорат банклари ва бошқа тижорат банклар ахборот (маълумот) базаси билан интеграциясини амалга ошириш;

тижорат банклари ва уларнинг миқдорларига Компаниянинг Ахборот тизими орқали реал вақт режимида буюртмаларнинг кўриб чиқилиши ҳамда бажарилиши ҳолатини кузатиб бориш имконини бериш.

**қарз олувчи** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган ва фаолият юритаётган тадбиркорлик ташаббусини амалга оширувчи кичик ва ўрта тадбиркорлик субъекти ҳамда ўзини – ўзи банд қилган шахс;

## **2-боб. “Портфель кафиллик” хизматини тақдим этиш талаблари**

4. Ҳамкор тижорат банкларга тақдим этиладиган “портфель кафиллик” миқдори Компаниянинг Кузатув кенгаши қарори асосида белгиланади.

5. Ҳамкор тижорат банклар томонидан бир йилда тақдим этилиши мумкин бўлган жами кафилликлар миқдори Компания ҳамда тижорат банклари ўртасида тузилган воситачилик шартномасига асосан тақсимланади.

Бунда тақсимот:

молиявий йил натижалари бўйича ижобий аудиторлик хулосасига эга; воситачилик шартномаси тузилаётган даврда Марказий банк томонидан эълон қилинган маълумотларига кўра NPL кўрсаткичи 5 (беш) фоиздан юқори бўлмаган;

Компания кафиллик портфелида муаммоли кафилликларнинг улуши 5 фоиздан юқори бўлмаган ҳамкор тижорат банклари ўртасида амалга оширилади.

6. Кафиллик ҳамкор тижорат банклари томонидан Ахборот тизими орқали тақдим этилади.

7. Қарз олувчига кафиллик тақдим этилиши мазкур Низомнинг 1-иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

8. Қарз олувчига кафиллик мазкур низомнинг 2-иловасига мувофиқ миқдор ва шартларда амалга оширилади.

9. Компания томонидан кафиллик 3-иловадаги лойиҳаларга тақдим этилмайди.

Шунингдек, Компания томонидан улуш киритилган лойиҳаларга кафиллик тақдим этилмайди.

### **3-боб. Қарз олувчиларга талаблар**

10. Кафиллик Компания ҳисобидан ҳамкор тижорат банклари томонидан:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган;

б) тугатилиш босқичида бўлмаган;

в) уларга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилмаган;

г) муружаат санасида кредит, солиқлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлиги бўлмаган;

д) яхши кредит тарихига эга бўлган;

е) Компания ёрдамлари бўйича салбий тарихга эга бўлмаган;

ё) банк ҳисобварағидаги мунтазам пул оқимига эга бўлган;

ж) молиялаштирилаётган лойиҳа учун режалаштирилган пул оқими етарли бўлган;

з) охириги ҳисобот даври учун молиявий натижаларга кўра фаолиятини зарар билан якунламаган;

и) 2-сонли картотека бўйича қарздорлиги мавжуд бўлмаган қарз олувчиларга кафиллик тақдим этади.

Бунда Компания кафиллик шартномасида кўрсатилган мажбуриятлар суммасидан ошмайдиган миқдорда кредитнинг асосий қарзи бўйича мажбуриятни олади.

11. Кафиллик ёмон кредит тарихига эга бўлган қарз олувчиларга тақдим этилмайди. КАТМ скоринг маълумотномасида “С” ва “D” тоифадаги қарз олувчиларга кафиллик тақдим этилиши ҳамкор тижорат банкларининг буюртмаларига асосан Компания томонидан ““Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан кафиллик тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом”га асосан кўриб чиқилади.

12. Микромолия ташкилотларига кафиллик ““Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан микромолия ташкилотларининг тижорат банкларидан жалб этиладиган кредитларига кафиллик тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом”га асосан кўриб чиқилади.

#### **4-боб. Тақдим этиладиган кафиллик учун воситачилик ҳақини тўлаш тартиби**

13. Кафилликлар хизматидан фойдаланиш учун олинадиган воситачилик ҳақи миқдори Компаниянинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

14. Воситачилик ҳақи Компания ҳисобварағига қарз олувчининг исталган ҳисобварағи, жумладан, транзит ҳисобварағи орқали ҳам тўлаб берилиши мумкин.

15. Тўланган воситачилик ҳақи кредит ажратилган ва кафиллик шартномаси амалда бўлган тақдирда қайтариб берилмайди.

16. Компанияга келиб тушган воситачилик ҳақининг 30 фоизи ҳамкор тижорат банкига хизмат ҳақи сифатида ҳисобот оyi яқунлангандан кейинги ой солиштирма далолатномага асосан ўтказиб берилади.

17. Кредит ажратилмаган тақдирда қарз олувчининг мурожаати ҳамда ҳамкор тижорат банкининг маълумотига асосан воситачилик ҳақининг Компания ҳисобида қолган қисми қайтариб берилади.

18. Қарз олувчи унга ажратилган кредитни муддатидан олдин қайтарганда унинг мурожаати ҳамда ҳамкор тижорат банкининг маълумотига асосан тўланган воситачилик ҳақи тўланган даврга нисбатан фойдаланилмаган кунлар учун қайтариб берилади.

#### **5-боб. “Портфель кафиллик”ни тақдим этиш тартиби**

19. Ҳамкор тижорат банки “портфель кафиллик”ни тақдим қилиш билан шуғулланувчи маъсул ходимни буйруқ асосида тайинлайди ва ушбу ходимни Ахборот тизимига киритиш учун Компанияга бу ҳақида маълум қилади.

20. Ахборот тизими орқали қарз олувчининг шакллантирган сўровномаси ҳамда ҳамкор тижорат банкнинг ҳудудий бўлими (агар ҳудудий бўлинмалар мавжуд бўлса) буюртмаси кафилликдан фойдаланиш ташаббусига асос ҳисобланади.

21. Ҳамкор тижорат банкнинг ҳудудий бўлинмаси томонидан кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилинса – кафиллик олиш учун қарз олувчи томонидан яратилган сўровномани буюртма шаклига келтиради ҳамда кўриб чиқиш учун ҳамкор тижорат банкига жўнатади;

Ҳамкор тижорат банкнинг маъсул ходими буюртманинг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўз кредит сиёсатлари ва мазкур низомга мувофиқлигини кўриб чиқади, хато ва номувофиқликлар аниқланганда уни бартараф этишни сўраб буюртмани ҳудудий бўлинмага қайтаради.

Ҳудудий бўлинма буюртмага тегишли ўзгартириш киритиб, ҳамкор тижорат банкига кўриб чиқиш учун қайта юборади.

Ҳамкор тижорат банкнинг маъсул ходими буюртманинг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўз кредит сиёсатлари ва мазкур Низомга

мувофиқлигини кўриб чиққандан сўнг Компания ҳисобидан кафиллик ажратилиши юзасидан қарор қабул қилади.

22. Ҳамкор тижорат банки томонидан кафиллик тақдим этиш юзасидан ижобий қарори қабул қилинганда Ахборот тизимида бу ҳақида ахборот хати ва кафиллик шартномаси автоматик равишда шаклланади.

23. Қарз олувчи кафиллик шартномаси лойиҳасида кўрсатилган воситачилик ҳақини Компания ҳисобварағига ўтказиши ва ҳамкор тижорат банкининг ҳудудий бўлими билан кафиллик шартномасини ЭРИ билан имзолайди.

24. Кафилликдан фойдаланиш учун қарздор томонидан Компания ҳисобварағига ўтказилган воситачилик ҳақи бир иш куни мобайнида Ахборот тизимида акс эттирилади.

25. Ҳамкор тижорат банкнинг масъул ходими унга берилган ишончнома асосида Компания ҳисобидан ҳамкор тижорат банки номидан кафиллик шартномани имзолайди.

26. Қуйидаги ҳолатларда кафиллик бериш бўйича ижобий қарор бекор бўлади ва ҳамкор тижорат банки ҳудудий бўлинмасига жўнатилган хабарнома ижросиз қолдирилади:

кафиллик шартномаси белгиланган муддат мобайнида банк ҳудудий бўлинмаси ва қарздор томонидан имзоланмаса;

бир марталик воситачилик ҳақи белгиланган муддат мобайнида тўлиқ миқдорда тўлаб берилмаса;

кредит маблағлари кафиллик шартномаси имзоланишидан олдин ажратилса.

27. Сўровнома ҳамда буюртмада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун қарз олувчи ва ҳамкор тижорат банк ёхуд ҳудудий бўлимнинг уни имзолаган мансабдор шахси жавобгар ҳисобланади.

28. Кафиллик шартномани муддатини узайтириш Компания билан келишилган ҳолда амалга оширилади ва белгиланган миқдорларда қўшимча воситачилик ҳақи олинади.

## **6-боб. “Портфель кафиллик” бўйича олинган мажбуриятларни Компания томонидан бажариш тартиби**

29. Қарз олувчи кредит бўйича ўз мажбуриятларини камайтирганда, кредит бўйича қайтарилган қисмига мутаносиб (пропорционал) равишда Компания кафиллиги таъминот таркибидан озод этилади.

30. Қарз олувчи кредит бўйича ўз мажбуриятларини камайтирганда Компания кафиллиги бир қаторда кредитнинг бошқа таъминотлари ҳам таъминот таркибидан озод этилиши мумкин. Бироқ таъминот таркибида фақатгина учинчи шахс кафиллиги ва суғурта полисларининг ўзи қолишига йўл қўйилмайди (кредит ажратилиши жараёнида таъминот сифатида Компания кафиллигидан ташқари фақатгина учинчи шахс кафиллиги ва (ёки)

суғурта полиси қабул қилинган ҳолатлар мустасно).

Дастлаб қабул қилинган гаров (кўчар ва кўчмас мулклар) таъминоти, бошқа гаров (кўчар ва кўчмас мулклар) таъминотига дастлабки гаров қийматига нисбатан кам бўлмаган қийматдаги гаров таъминотига алмаштирилишига йўл қўйилади.

31. Қарз олувчи кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган санадан (лозим даражада бажармаганда) бошлаб банк 90 календарь куни мобайнида қарз олувчидан кредит бўйича асосий қарзнинг қайтарилмаган суммасини олиш, ундан фоизларни ундириш ва кредит шартномасида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши учун, жумладан:

қарз олувчининг ҳисобварағидаги маблағларни унинг рухсатисиз олиб қўйиш;

ундирувни таъминотга қаратиш (Компания кафиллиги бундан мустасно).

Кредит рейтинги (кредит тарихи) А ва В рейтингга эга бўлган тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар бўйича муддати ўтган асосий қарздорликнинг 90 кундан ошган қисми тижорат банки томонидан белгиланган шаклдаги тақдим этиладиган талабнома асосида кафиллик мажбурияти тўлиқ бажарилгунга қадар тўлаб борилади.

С ва ундан қуйи кредит рейтингга эга бўлган тадбиркорлик субъектларига тўловлар кредит қарздорлигини тўлиқ ундириш юзасидан ижро варақа чиқарилган санадан бошлаб 30 кундан сўнг тижорат банки томонидан белгиланган шаклдаги тақдим этиладиган талабнома асосида амалга оширилади.

32. Ушбу бандда назарда тутилган тартиботлар бажарилгандан сўнг, агар кредит шартномасида белгиланган тартибда ҳамкор тижорат банки олдидаги қарз суммаси қайтарилмаса, ҳамкор тижорат банки Компанияга қуйидагилар қайд этилган талабларни қўяди:

кафиллик шартномаси реквизитлари (шартнома тузилган сана, рақами, банк ва Компания кафил бўлган қарз олувчининг номи);

кафиллик шартномаси билан таъминланган кредит шартномаси реквизитлари (шартнома тузилган сана, рақами ва бошқалар);

кредит мақсадли ёки мақсадсиз ишлатилганлиги тўғрисида маълумот;

қарз олувчининг кредит асосий қарздорлигидан бажарилмаган мажбуриятлари ҳажми бўйича жавобгарликнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, Компаниянинг кафиллик шартномаси бўйича молиявий жавобгарлик миқдори ҳисоб-китоби;

Компания томонидан тўланадиган маблағлар ўтказилиши лозим бўлган ва тўлов реквизитлари кўрсатилган банк ҳисобварағи.

33. Талабнома (эътироз) ҳамкор тижорат банкининг ваколатли шахси томонидан имзоланиши ва ташкилот муҳрининг босма изи ёки электрон рақамли имзо (ЭРИ) билан тасдиқланиши керак.



Талабномани (эътирозни) имзолайдиган шахснинг ваколатини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинади.

Талабномада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳамкор тижорат банкининг уни имзолаган мансабдор шахси жавоб беради.

34. Тақдим этилган талабнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар ўн иш куни ичида кўриб чиқилади. Кафиллик мажбуриятини бажаришни рад этиш ҳолатлари мавжуд бўлган тақдирда ҳамкор тижорат банкига мавжуд барча эътирозлар кўрсатилган хатни юборади.

35. Кафиллик бўйича тўлов ҳамкор тижорат банки томонидан кўрсатилган ҳисобвараққа ўтказилади.

Бунда, ҳамкор тижорат банки томонидан тақдим қилинадиган талабномага кредит қарздорликни ундириш бўйича суд томонидан қабул қилинган ҳужжатлар нусхалари (мавжуд бўлган ҳолларда) илова қилиниши лозим.

36. Компания мажбуриятлари Компания томонидан ҳамкор тижорат банкига талабномада кўрсатилган маблағлар тўлиқ ўтказилган пайдан бажарилган ҳисобланади.

37. Кафиллик бўйича тўловлар тўлангандан сўнг Компания қарз олувчининг бошқа ликвид мулки ҳисобидан, шу жумладан, судга мурожаат қилиш орқали қопланишини регресс тартибида талаб қилишга ҳақли.

38. Компания талабномани қуйидаги ҳолатларда рад этишга ҳақли:

Тижорат банклари томонидан гаров таъминоти озод этилиши натижасида таъминот таркибида учинчи шахс кафиллиги ва суғурта полисларининг ўзи қолганда. Бундан кредит ажратилиши жараёнида таъминот сифатида Компания кафиллигидан ташқари фақатгина учинчи шахс кафиллиги ва (ёки) суғурта полиси қабул қилинган ҳолатлар мустасно;

дастлаб қабул қилинган таъминот бошқа таъминотга дастлаб қабул қилинган қийматга нисбатан кам қийматдаги таъминотга алмаштирилганда;

Компаниянинг ёзма рухсатсиз кредит шартномаси бўйича мажбуриятларда шахслар алмаштирилганда;

ҳамкор ташкилот томонидан талабнома тақдим этилганда кредитнинг буюртма ва кредит шартномасида белгиланган мақсадларда фойдаланилмаганлиги аниқланганда;

бир марталик воситачилик ҳақи белгиланган муддат мобайнида тўлиқ миқдорда тўлаб берилмаганда.

39. Кафиллик бўйича мажбуриятлар қуйидаги ҳолатларда бекор бўлади:

кредит бўйича асосий қарзнинг кафиллик билан таъминланган қисми тўланганда;

Компания томонидан кафиллик бўйича тўлов амалга оширилганда;

кафиллик тақдим этиш тўғрисидаги шартнома тузилгандан сўнг ҳамкор тижорат банклар томонидан 3 (уч) ой мобайнида кредит ажратилмаганда;

40. Компанияга (буюртмага) нотўғри ва/ёки ёлғон маълумотларнинг тақдим қилинганда, ушбу маълумотлар асосида молиявий ёрдам олиниши оқибатида қарз олувчи томонидан мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаганлиги учун Компания жавобгар ҳисобланмайди.

### **7-боб. Кафилликлардан фойдаланишни ҳисобга олиш, ҳисобот бериш ва назорат қилиш тартиби**

41. Компания кафиллик тақдим этиш, фойдаланиш ва уларга йўналтирилган маблағларнинг сарфланишини ҳисобга олади ҳамда улар бўйича ҳисобот тузади.

42. Компаниянинг Ички аудит хизмати ва мониторинг ишларини амалга оширувчи бўлинмалари томонидан кафиллик берилиши ва тўловлар тўланишининг ушбу Низомда белгиланган шартлари, мақсадлари ҳамда тартибига риоя этилишини мониторинг қилади.

### **8-боб. Яқунловчи қоидалар**

43. Ушбу Низом Компания Кузатув кенгаши қарори билан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

44. Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Компаниянинг Кузатув кенгаши қарори билан амалга оширилади.

45. Ушбу Низомга қонун ҳужжатлари ўзгартирилганлиги, Компания Уставига, Компаниянинг ички ҳужжатларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан ва бошқа ҳолларда ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.

46. Агар ушбу Низомнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Компания Уставига зид келган тақдирда, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ҳамда ушбу Низомга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар, бу бандлар орқали тартибга солинадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва/ёки Компания Устави қоидалари қўлланилади.

47. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгардирлар.

48. Ушбу Низомни амалга оширишда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда, шу жумладан, суд тартибида ҳал этилади.

“Тадбиркорликни ривожлантириш  
компанияси” акциядорлик жамияти  
томонидан “портфель кафиллик” тақдим  
этиш тартиби тўғрисидаги Низомга  
1-илова

**Ҳамкор тижорат банки томонидан кафиллик тақдим этиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Қарз олувчи  <i>(Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари ҳамда ўзини – ўзи банд қилган жисмоний шахслар)</i>	Ажратиладиган кредит бўйича кафилликдан фойдаланиш юзасидан Ахборот тизими орқали ҳамкор тижорат банкка сўровнома юбориш.	Заруратга кўра
2-босқич	Ҳамкор ташкилот ҳудудий бўлинмаси	кредит бериш имконияти тўғрисидаги масалани кўриб чиққандан кейин: кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинганда — “Тадбиркор” ахборот тизимида кафиллик олиш учун тадбиркор сўровномасини буюртма шаклига келтириш ва ҳамкор ташкилотга юбориш;	Ҳамкор тижорат банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган муддатларда
3-босқич	Ҳамкор тижорат банклар	Ҳудуддаги таркибий бўлинмасидан ҳужжатлар олингандан кейин: амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўз кредит сиёсатлари ва мазкур Низомга мувофиқлигини кўриб чиқади; буюртмада хатоликлар аниқланса, ҳамкор тижорат банки ҳудудий таркибий бўлинмасига қайтариш; тўғри шакллантирилган буюртмани ҳудудий таркибий бўлинма маъсул ходимга жўнатиш.	Ҳамкор тижорат банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган муддатларда

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
		<p>Буюртмани кўриб чиқиш, кафиллик тақдим этиш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш.</p> <p>Ҳамкор тижорат банкининг ҳудуддаги таркибий бўлинмасини қабул қилинган қарор тўғрисида (рад этилган тақдирда - асосли сабаблар кўрсатилган ҳолда) кейинчалик қарз олувчига маълумот бериш учун хабардор қилиш.</p>	<p>3 иш куни давомида</p> <p>1 иш куни давомида</p>
4-босқич	Ҳамкор ташкилот ҳудудий бўлинмаси ва қарз олувчи	<p>Кафиллик тақдим этиш тўғрисида Ҳамкор тижорат банкининг ижобий қарори олинганда:</p> <p>қарз олувчи томонидан тақдим этилган кафиллик учун воситачилик ҳақи тўловини амалга ошириш;</p> <p>кафиллик тақдим этилиши тўғрисидаги шартномани электрон рақамли имзо (ЭРИ) билан имзолаш;</p>	3 иш куни давомида
5-босқич	Компания	<p>Кафиллик учун воситачилик ҳақини ҳақиқатда келиб тушганини текшириш;</p>	3 иш куни давомида
6-босқич	Ҳамкор тижорат банклар	<p>Кафиллик тақдим этилиши тўғрисидаги шартномани электрон рақамли имзо (ЭРИ) билан имзолаш</p>	1 иш куни давомида

“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан “портфель кафиллик” тақдим этиш тартиби тўғрисидаги Низомга  
2-илова

**“Портфель кафиллик” хизмати доирасида тақдим этиладиган кафиллик  
МИҚДОРИ ВА ШАРТЛАРИ**

Т/р	Қўллаб - қувватлаш йўналишлари	Ёрдамни олувчилар	Ёрдам олувчилар тоифаси	Тақдим этиладиган ёрдамлар миқдор ва шартлари
1.	<p><b>Тижорат банклари</b> томонидан миллий ва хорижий валютада ажратиладиган <b>кредитлари</b> бўйича</p> <p><i>(Ўрта тадбиркорлик субъектларига улуш киритилганда кафиллик тақдим этилмайди)</i></p>	<p><b>кичик тадбиркорлик</b> субъектлари</p>	Ташкил этилганига <b>1 йилдан ошмаган</b>	<b>500 млн сўмгача</b> , бироқ кредитнинг <b>30 фоизидан</b> ошмаган миқдорда
			Ташкил этилганига <b>1 йилдан 3 йилгача бўлган</b>	<b>1 млрд сўмгача</b> , бироқ кредитнинг <b>40 фоизидан</b> ошмаган миқдорда
			Ташкил этилганига <b>3 йилдан ортиқ бўлган</b>	<b>2,5 млрд сўмгача</b> , бироқ кредитнинг <b>50 фоизидан</b> ошмаган миқдорда
		<p><b>Ўрта тадбиркорлик</b> субъектлари</p>	Ташкил этилганига <b>2 йилдан ошмаган</b>	<b>3 млрд сўмгача</b> , бироқ кредитнинг <b>50 фоизидан</b> ошмаган миқдорда
			Ташкил этилганига <b>2 йилдан ортиқ бўлган</b>	<b>5 млрд сўмгача</b> , бироқ кредитнинг <b>50 фоизидан</b> ошмаган миқдорда
2.	<p><b>Тижорат банклари</b> томонидан миллий ва хорижий валютада ажратиладиган <b>кредитлар</b> бўйича</p> <p><i>(Амал қилиш муддати 2025 йил 1 январга қадар)</i></p>	<p><b>Қорақалпоғистон</b> Республикасида рўйхатга олинган ва фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари</p>	Ташкил этилганига <b>1 йилдан ошмаган</b>	<b>1 млрд сўмгача</b> , бироқ кредитнинг <b>30 фоизидан</b> ошмаган миқдорда
			Ташкил этилганига <b>1 йилдан 3 йилгача бўлган</b>	<b>2,5 млрд сўмгача</b> , бироқ кредитнинг <b>50 фоизидан</b> ошмаган миқдорда
			Ташкил этилганига <b>3 йилдан ортиқ бўлган</b>	<b>5 млрд сўмгача</b> , бироқ кредитнинг <b>50 фоизидан</b> ошмаган миқдорда

Т/р	Қўллаб - қувватлаш йўналишлари	Ёрдамни олувчилар	Ёрдам олувчилар тоифаси	Тақдим этиладиган ёрдамлар миқдор ва шартлари
3.	“20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури доирасида миллий ва хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича	Дастур иштирокчилари бўлган тадбиркорлик субъектлари	51 тадан 100 тагача янги иш ўрни яратадиган	3 млрд сўмгача, бироқ кредитнинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда
			101 тадан 200 тагача янги иш ўрни яратадиган	4 млрд сўмгача, бироқ кредитнинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда
			200 тадан ортиқ янги иш ўрни яратадиган	5 млрд сўмгача, бироқ кредитнинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда

“Тадбиркорликни ривожлантириш  
компанияси” акциядорлик жамияти  
томонидан “портфель кафиллик” тақдим этиш  
тартиби тўғрисидаги Низомга  
3-илова

**“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти  
томонидан кафиллик тақдим этилмайдиган  
ЛОЙИҲАЛАР**

1. Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва (ёки) улар савдосини ташкил этиш;
2. Илгари олинган кредитларни ёки бошқа ҳар қандай қарзни қайтариш;
3. Суғурта компаниялари фаолиятини ташкил этиш;
4. Ёрдам кўрсатилаётган лойиҳалар бўйича ишлаб чиқаришда иштирок этмайдиган енгил автотранспорт воситаларини харид қилиш.